

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 344-ҳадис

41- Қариндош-уруғчиликдан үзилишнинг ҳаромлиги ҳақида

41-боб

Ота-онага оқ бўлиш ҳамда қариндош-уруғчиликдан үзилишнинг ҳаромлиги ҳақида

Сураси 344-нинг ҳадиси { : Ҳадиси 1000-нига тартифидан } : Ҳадиси 1000-нига тартифидан * Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан }.

Сураси 344-нинг ҳадиси { : Ҳадиси 1000-нига тартифидан } : Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан * Ҳадиси 1000-нига тартифидан }.

Сураси 344-нинг ҳадиси { : Ҳадиси 1000-нига тартифидан } : Ҳадиси 1000-нига тартифидан * Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан Ҳадиси 1000-нига тартифидан }.

Аллоҳ таоло: «**Агар (иимондан) юз ўгирсангизлар, яқинки, сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билин ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар. Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (кулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) кар, кўзларини эса (тўғри йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир»** (Муҳаммад сураси, 22-23-оятлар)ю

«**Аллоҳга берган аҳд-паймонларини мустаҳкам бўлганидан кейин бузадиган, Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳнинг лаънати бўлур ва улар учун энг ёмон диёр - жаҳаннам бордир)»** (Раъд сураси, 25-оят).

«Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни

ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирори ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут - хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаб-ӯтирганлариdek, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)!» (Исро сураси, 23-24-оятлар), деб айтган.

344 - Ҳадиси Абу Бакра Нуфайъ ибн Хорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам уч марта: «Сизларга катта гуноҳларнинг энг каттасини айтиб берайми?» дедилар. Улар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди. У зот: «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш», дедилар. Суяниб ўтирган эдилар, ўтириб олдилар-да, «Огоҳ бўлинг, ёлғон гувоҳлик бериш ҳам», дедилар. У зот буни такрорлайвердилар, ҳатто биз «Тўхтасалар эди», деб қолдик».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

